

перенес 1-мз.

Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуригимиз бўлсин!

ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

2011 йил 4 октябрь сешанба № 42 (769)

e-mail: info@press-iq.uz

www.minjust.uz



Она ва бола соғлиғи давлат эътиборида

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги мутахассислари билан ОАВ ходимлари учрашуви бўлиб ўтди. Соғлиқни сақлаш вазири Адҳам Икромов оналик ва болалик муҳофазаси мавзусида маъруза қилди. Қўйидаги иқтибослар мазкур маърузадан олинди

Республикамизда болаларда наслий ва туғма касалликларнинг олдини олиш мақсадида замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган скрининг марказлари фаолияти натижасида 2000 йилдан 2010 йилга қадар туғма касалликлар билан дунёга келувчи болалар сони 14 фоизга камайди. Охириги 10 йилликда ногирон болалар туғилиши 100 нафар болага 1,8 баравар камайди.

Истиқлолимизнинг сўнгги йил таҳлилга кўра, ҳомилалар аёллар ўртасида учрайдиган камқонлик касаллиги 60 фоиздан 33,5 фоизга камайди.

Яқинда Ўзбекистон жаҳондаги энг нуфузли ташкилот — "Save the children" ("Болаларни асрайлик") халқаро муассасаси томонидан тузилган дунё рейтингиде болалар саломатлигини мустаҳкамлаш борасида катта ғамхўрлик кўрсатилган энг илгор етакчи ўнга мамлакат қаторига киритилди.

Мамлакатимиз барча кўрсаткичлар

бўйича рейтингда тўққизинчи ўринни эгаллади ва Германия, Франция, Буюк Британия, АҚШ сингари дунёнинг кўпгаб энг ривожланган давлатларини ҳам ортда қолдирди.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, оналар ва болаларга зарур даволаш хизматларини кўрсатиш учун ҳар 10 минг аҳолига 23 нафар тиббий ходим тўғри келиши керак. Ўзбекистонда бу кўрсаткич нафақат шаҳарлар, балки қишлоқларда ҳам халқаро стандартларга тўла мос келади. Бу, ўз навбатида, мамлакатимизнинг барча аҳолисига тиббий ёрдам кўрсатиш имконини бермоқда.

Комплекс чора-тадбирларнинг амалдаги самараси шуни кўрсатмоқдаки, 1991 йилдан буён мамлакатимизда оналар ва болалар ўлими 3 баравар камайди.

ЎЗДЖТУ талабаси Умида БҲАЕВА тайёрлади.

Адлия ёрдам берди

Ноқонуний текшириш

Унга йўл қўйган қонуний

жазосини олди

КИЧИК бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг қонуний ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатларини таъминлаш адлия идораларининг энг долзарб вазифаларидан биридир.

НАВОИЙ вилояти адлия бошқармаси томонидан Конимех тумани Давлат санитария-эпидемиология назорати марказида ва унинг тизимида тадбиркорлик субъектлари ва хусусий мулк эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлашга оид қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан мониторинг ўтказилди. Ўрганиш жараёнида жорий йилнинг ўтган даврида 24 та ноқонуний текшириш ўтказилганлиги аниқланди. Шунга мувофиқ вилоят Давлат санитария-эпидемиология назорат марказига тақдирнома киритилиб, унга асосан 7 нафар ходимга нисбатан "ҳайфсан" интизомий жазо чораси қўлланилди, 10 та ноқонуний қарор бекор қилинди.

Жумладан, ДСЭНМ ходимлари томонидан Конимех туманидаги музқаймоқ ва салқин ичимликлар сотиш фаолияти билан шуғулланувчи яқка тартибдаги тадбиркор М.Шарипова дўконда Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Конимех тумани ҳудудий кенгашининг тегишли рухсати бўлмаган ҳолда ноқонуний текшириш ўтказилганлиги аниқланган, бу ҳақда 2011 йил 31 март куни Адлия вазирлигига махсус хабар киритилган.

Қўлланилган таъсир чораси натижасига кўра, Конимех тумани ДСЭНМ бўлими бошчилигида нисбатан "ҳайфсан" интизомий жазоси қўлланилган. Шу билан бирга 2011 йил 25 апрелда Конимех тумани прокуратураси томонидан маъмурий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатилиб, судга юборилди. Суд қарорига асосан Ж.Жўраевага нисбатан жарима жазоси тайинланди. Ноқонуний текширишга йўл қўйувчилар шу тариқа қонуний жазосини олди.

Баҳодир ҚАРШИЕВ,
Навоий вилояти адлия бошқармаси
масъул ходими

Масъулиятсизлик...

бунга нисбатан чоралар қўлланилди

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ адлия бошқармаси томонидан ўтган давр мобайнида ҳўжалик юритувчи субъектлар, шу жумладан фермер ҳўжаликлари билан етиштирилган маҳсулотларни харид қилиш, моддий-техника ресурслари етказиб бериш, хизмат кўрсатиш бўйича жами 32813 та контрактация шартномалари тузилишида ҳуқуқий ёрдам кўрсатилди.

БОШҚАРМА ходимлари томонидан вилоятдаги 56 та ҳўжалик юритувчи субъектда шартномавий-ҳўқуқий муносабатларнинг қонунчилиги ўрганилиб, улар томонидан тузилган 7110 та шартнома кўриб чиқилди. Ўрганиш жараёнида ҳўжалик юритувчи субъектлар томонидан 2545 та ҳолатда шартномаларнинг тузилиши бўйича, 2540 та ҳолатда шартномаларнинг бажарилиши бўйича қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилганлиги аниқланди.

Ушбу ҳолатлар юзасидан судларга 571 та 2 059 412 206 сўмлик даъво аризаси, қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш юзасидан 92 та тақдирнома, қонунбузилиш ҳолатларининг олдини олиш юзасидан 137 та оғоҳнома, 46 та кўрсатма ва 21 та талабнома киритилди.

Киритилган даъво аризаларидан 396 таси, 1 264 891 836 сўмлик қисми судлар томонидан қаноатлантирилди.

Жумладан, Шаҳрихон туманидаги "Алиқон бува" фермер ҳўжалиги даъвогарлигида "Асақадонмаҳсулотлари" АЖ жавобгарлигида шартнома мажбуриятлари бажарилмаслиги натижасида юзага келган 14 503 803 сўм асосий қарз ва 2 668 700 сўм пеня ундириш ҳақида вилоят ҳўжалик судига киритилган даъво ариза кўриб чиқилиб, ҳўжалик суди томонидан ушбу қарздорликларни тўлиқ ундириш тўғрисида 2011 йил 29 июнда ҳал қилув қарори чиқарилди.

Бўлим фаолиятида шартномавий муносабатларнинг қонунчилигини таъминлаш борасида мансабдор шахслар томонидан қонунбузилишларга йўл қўйилганлиги ҳолатларини аниқлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жумладан, Олтинқўл тумани Ўсимликларни ҳимоя қилиш отрядида ўтқазилган ўрганишда шартнома интизомига риоя этилмаслиги натижасида қорхонда қарздорлик мuddати ўтказиб юборилганлиги ҳақида бўйича маъмурий баённома тузилиб, кўриб чиқиш учун Олтинқўл тумани ДСНга юборилди. Мазкур баённома асосида қорхона раҳбари А.Астанақулов ва бош ҳисобчи И.Мирзалиев МЖТКнинг 175-моддаси, 3-қисми билан айбдор деб топилди, уларнинг ҳар бирига нисбатан энг кам ойлик иш ҳақининг 10 баробари миқдорида маъмурий жарима жазоси қўлланилди.

Қудрат АБДУРАҲМОНОВ,
Андижон вилояти адлия бошқармаси
масъул ходими

Автотранспорт эгаларига!

Машинангизда

тиббийёт қутчаси, ўт ўчиргич, болғача, мажбурий

тўхтаганлиқни билдирувчи белги (милтиловчи қизил

чирок)ни олиб юришни унутманг

МАМЛАКАТИМИЗДА йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасида юзага келувчи муносабатларни тартибга солиш ҳамда фуқароларнинг ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулкни муҳофазаси эътибори таъминлаш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, шунингдек, атроф-муҳитни ҳимоя қилиш мақсадида 1999 йил 19 августдаги "Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида"ги Қонун қабул қилинган.

УШБУ Қонуннинг 17-моддасида йўл-транспорт ҳодисалари содир бўлганда жабрланганларга ўз вақтида тиббий ёрдам кўрсатиш талаби белгиланган.

Шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш учун транспорт воситасининг салонига бўлиши шарт бўлган зарур тиббий ашёлар рўйхати республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланиши назарда тутилган.

Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 11 декабрдаги қарори билан тасдиқланган Йўл ҳаракати қоидаларининг 3-иловаси 7.9-бандига кўра транспорт воситалари, яъни автобуслар тиббийёт қутчаси (аптечка), фавқуллода ҳолатларда ойнани синдириш учун фойдаланадиган болғача, ўт ўчиргич, мажбурий тўхтаганини билдирувчи белги (милтиловчи қизил чирок) микроавтобус, юк ва енгил автомобиллар эса тиббийёт қутчаси (аптечка), ўт ўчиргич, мажбурий тўхтаганини билдирувчи белги (милтиловчи қизил чирок) билан жиҳозланмаганлиги мазкур автоуловлардан фойдаланишни тақиқловчи шартлардан бири бўлиб ҳисобланиши белгиланган.

Бироқ, қонунчиликда транспорт воситаларига joyлаштирилиши лозим бўлган тиббийёт қутчасида шарт бўлган тиббий ашёлар рўйхатини белгилаб берувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат мавжуд бўлмаганлиги юзасидан қайд этиб ўтилган қонун ҳужжатларида белгиланган тегишли нормаларнинг амалиётга татбиқ этилишида қўйинчиликларга олиб келаётган эди.

Қонунчиликдаги мазкур бўлиқни бартараф этиш мақсадида республика Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2011 йил 22 июндаги 178-сон "Шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш учун транспорт воситасининг салонига бўлиши шарт бўлган зарур ашёлар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида"ги буйруғи қабул қилинди ва ушбу буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2011 йил 5 июлда 2241 рақам билан рўйхатдан ўтказилиб, жорий йилнинг 15 июлидан қонуний қўйи кирди.

Жамол АЧИЛОВ,
Адлия вазирлиги масъул ходими

тарғиб этиш, давлат бошқаруви ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, қорхона, ташкилотлар, олий ва ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасалари талабалари, ўрта мактаблар ўқувчилари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва аҳолининг Давлат рамзлари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунлари, уларга киритилган ўзгариш ва қўшимчалар билан тўлиқ танишишлари ва амалиётда қўллашлари таъминлаш мақсадида "Адолат" нашриёти томонидан Ўзбекистон Республикасининг Давлат рамзлари тўғрисидаги қонунлари ўзбек ва рус тилларида ҳамда лотин

тін ёзувиги асосланган ўзбек алифбосида тўплам ҳолида сўнгги ўзгариш ва қўшимчалар билан расмий нашр чоп этилганлиги таъкидлаб ўтилди. Айниқса, "Давлат рамзлари тарихи, Шон-шараф ва гурур тисмоли", "Давлат рамзлари ҳақидаги қонунчиликнинг таъминлаштирилиши" номли маърузалар иштирокчилар томонидан катта қизиқиш билан тинланди. Тадбир бахс ва мунозараларга бундай тарзда ўтди.

Адлия вазирлиги
Ҳуқуқий тарғибот
ва ҳуқуқий таълим
бошқармаси

Таҳлил

Тадбиркорнинг ҳақлиги презумпцияси

Мазкур принцип қонуний

асосда мустаҳкамланган

БҲУҒУҒИ ҚУҒНДА дунёдаги ривожланётган барча давлатларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлиқни янада ривожлантириш, уларнинг мушаккил фаолиятига салбий таъсир кўрсатадиган тўсиқ ва говларни бартараф этишга доимий эътибор қаратилган.

МАМЛАКАТИМИЗДА иқтисодиётнинг муҳим таянчи сифатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватланмоқда, уларнинг мушаккил фаолиятига салбий таъсир кўрсатадиган тўсиқ ва говларни бартараф этишга доимий эътибор қаратилган.

Президентимиз томонидан 2011 йил 24 август куни қабул қилинган "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлиқни янада ривожлантириш учун қўлай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ҳам тадбиркорликка кўпроқ эркинлик бериш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлиқнинг мамлакат иқтисодиётидаги роли ва улушини ошириш, экспорт салоҳиятини ривожлантириш, аҳоли бандлиги ва даромадларини таъминлаш борасидаги муҳим норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан биридир. Бунинг "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастури доирасида қабул қилинган ушбу Фармонда белгиланган қўйидаги вазифаларнинг мазмун-моҳияти яққол акс эттиради:

1) Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлиқни ривожлантириш йўлидаги ортқича бюрократик тўсиқ ва говларга барҳам бериш, давлат бошқаруви функцияларини қисқартириш ва тадбиркорликка кўпроқ эркинлик бериш бўйича аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш, давлат бошқаруви органлари томонидан амалга оширилаётган турли руҳсат бериш меъёрлари ҳамда чеклаш тартибларини кескин қисқартириш;

2) тадбиркорлик фаолияти субъектларининг давлат бошқаруви идоралари, солиқ ва назорат тузилмалари билан ўзаро муносабатлариде очкиқлик ва шаффофилик таъминлаш, ҳисоботлар тизими ҳамда молия, солиқ ва статистика идораларига ҳисоботларни топшириш механизмининг электрон тизим бўйича тақдим этишга бошқарма-босқун ўтиш орқали тўбдан соддалаштириш;

3) кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига солиқ, божхона ҳамда бошқа тўловлар бўйича тадбиркорлик фаолиятини жадвал ривожлантириш ва унинг самардорлигини оширишга кўмаклашадиган қўшимча имтиёз ҳамда преференциялар бериш;

4) кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг тижорат банклари билан ўзаро ҳамкорлик механизмининг янада тақомиллаштириш ва соддалаштириш, тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, уларга ажратилаётган кредитлар, биринчи навбатда, янги ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этишга, мавжуд ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилишга ва технологик янгиллашга йўналтирилган узоқ муддатли кредитлар ҳажмини қўпайтириш;

5) кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ташқи иқтисодий фаолиятда иштирок этиши учун қўлай шарт-шароит яратиш, уларнинг маҳсулотларини ташқи бозорларга олиб чиқишга кўмаклашиш, экспорт шартномаларини рўйхатдан ўтказиш жараёнини ҳамда умуман божхона маъмуриятчилигини соддалаштириш ва либераллаштириш.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, мазкур Фармонда "тадбиркорнинг ҳақлиги презумпцияси" принципининг белгиланиши миллий қонунчилигимиздаги тадбиркорларга қўлай ишбилармонлик муҳитини яратишга қаратилган жуда муҳим норма ва янгиликдир. Ушбу принципининг тўб моҳияти тадбиркорлик фаолияти субъектларининг барча даражадаги давлат бошқаруви идоралари, ҳуқуқни муҳофазаси қилиш ва назорат органлари, тижорат банклари билан ўзаро муносабатларида тадбиркорлар ҳуқуқлари устуворлиги принципини амал қилиниши, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардаги бартараф этиб бўлмайдиган барча зиддиятлар ва ноаниқликлар тадбиркорлар фойдасига талқин этилишини аниқлатади.

Шунингдек, Фармонга мувофиқ 2012 йилнинг 1 январидан саноат соҳасидаги микрофирмалар ва кичик қорхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкаси 6 фоиздан 5 фоизга камайтирилади. Шу билан бирга 2011 йилнинг 1 октябридан бошлаб солиқлар, божхона божлари ва йиғимлари, бошқа мажбурий тўловларни тўлаш муддатларини бузганлик учун пеня миқдорини кечиктирилган ҳар бир кун учун пеняни ҳисоблаш тартиби сақланган ҳолда, амалдаги миқдорига нисбатан ўндан бир қисмига камайтирилиши, юридик шахсларнинг текширувлар натижалари бўйича қўшимча ҳисобланган солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни, шунингдек, молиявий санкцияларни ундириш тўғрисида қарор қабул қилинган қўндан бошлаб олти ой мобайнида тенг улушларда бўлиб тўлаш ҳуқуқига эга бўлиши ва шу каби бошқа имтиёзлар жорий этилиши тадбиркорларни янада рағбатлантиради.

Ушбу Фармонда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Молия вазирлиги Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги билан биргаликда барча кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини 2014 йилнинг охиригача солиқ ва молиявий ҳисоботларни топширишининг электрон тизимига бошқарма-босқун ўтказилиши қайд этилган. Мазкур электрон тизим, энг аввало, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ишчанлик фаолиятини қўпайтириш, қоласеҳа, уларнинг солиқ ва молиявий ҳисоботларини топшириш билан боглиқ ишларини осонлаштиришга хизмат қилади. Қоласеҳа, бундай электрон тизимнинг жорий этилиши нафақат кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти субъектларига, балки ваколатли давлат органларига ҳам ўз фаолиятларини амалга оширишларида қўлайликлар яратади.

Бундан ташқари, тадбиркорлик субъектларига нисбатан банк фаолиятининг янада очкиқлигини ошириш ва либераллаштириш мақсадида 2011 йил 1 сентябрдан эътиборан кичик бизнес субъектларидан тижорат банклариде миллий валютада ҳисоборақам очганлик учун тўлов ундиришининг бекор қилиниши, тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг келишилган ҳажмида кредитлар ажратиш ҳақидаги аризаларини кўриб чиқиш муддатини уч қўндан ошмайдиган муддат билан кечлангани ва бошқа яна бир қатор имтиёзлар берилгани ҳам таъкидлаш жоиз.

Микрофирмалар ва кичик қорхоналар ўзи ишлаб чиқарган товар (иш, хизмат)ларни экспорт қилишдан тушадиган валютатўлушунинг 50 фоизини мажбурий сотишдан озод этилиши ҳамда ҳўжалик субъектлари ўрнатилган технологик ускуналарга Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган рўйхат бўйича республика ҳудудида олиб келинадиган эҳтиёт ва бутловчи қисмлар учун 2016 йил 1 январигача божхона расмийлаштириш йиғимларидан ташқари божхона тўловларини тўлашдан ҳам озод этилиши белгилаб қўйилди. Бу эса, микрофирмалар ва кичик қорхоналар томонидан жаҳон стандартларига жавоб бера оладиган товарларни ишлаб чиқариш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш эҳтиёжини қўпайтиради, яъни ишлаб чиқарилаётган товарлар, бажарилаётган ишлар ва кўрсатилган хизматларнинг сифатини янада оширишга хизмат қилади. Эҳтиёт ва бутловчи қисмларни олиб кириш учун рағбатлантириш эса, ҳўжалик субъектларининг технологик ускуналарини модернизация қилиш ва янгиллаш, шу орқали сифатли товарлар ишлаб чиқариш, ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиш учун техник носозликларнинг олдини олади, ўз навбатида, технологик тақомиллашувини таъминлайди.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур Фармон кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлиқни ривожлантириш йўлидаги ортқича тўсиқ ва говларга барҳам бериш, тадбиркорлик фаолияти субъектларининг давлат бошқаруви идоралари, солиқ ва назорат органлари, шунингдек, банк муассасалари билан ўзаро муносабатлардаги фаолиятини соддалаштириш, уларнинг очкиқлиги ва шаффофилигини таъминлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ташқи иқтисодий муносабатларда иштирок этилиши учун қўлайликлар яратишда, шулар орқали кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлиқни янада ривожлантириш учун қўлай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Олим ФАЙЗИЕВ,
Даврон ҚАЛАНДАРОВ,
Адлия вазирлиги масъул ходимлари

Тизим тадбири

Ҳурмат ва эҳтиром намунаси



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ Адлия вазирлигида "Қонун моҳияти: давлат рамзлари ҳурмат ва эҳтиром намунаси" мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси Давлат рамзлари доир қонунларнинг мазмун-моҳиятига бағишланган ушбу анжуманда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман),

Олий суд, Олий ҳўжалик суди, Инсон ҳуқуқлари бўйича Республика миллий маркази, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги ва бошқа давлат органлари ҳамда оммавий ахборот воситалари, адлия органларининг ходимлари, олий ўқув юрларининг профессор ўқитувчилари ва жамоатчилик вакиллари иштирок этилди.

Тадбирда Давлат рамзларининг мазмун-моҳияти, Давлат рамзларидан фойдаланиш тартиби ҳақида атрофлича тушунтиришлар берилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига киритилган ўзгариш ва қўшимчаларни аҳолига кенг

ҚОҒОЗ НОН БЎЛОЛМАЙДИ, ЛЕКИН НОНДЕК АЗИЗ

СУВ ТЕЖАГАН ХОР БЎЛМАС

Газетанинг олдинги сонидида чоп қилинган иккинчи мақоламизда автоматлаштирилган сугориш тизимлари технологияси ҳақида гап очган эдик. Бугун шуни давом эттирсак.

Яъни биламизки, бугунги кунда фермерларимиз далани сугориш учун ернинг намлик даражасини кўз билан чамалаб аниқлайди. Компьютер технологиялариға асосланган янги усул эса бу вазифани автоматик тарзда бошқаради. Фермер ёки сувчи компьютер олдида ўтириб, махсус дастур ёрдамида ерларнинг намлик ва шўрланиш ҳолатини аниқлаш ва электрон тарзда сугоришни ташкил этиши мумкин. Бу ихтиро Инновациялар III республика ярмаркасида истиқболли илмий янгиликлардан бири сифатида эътироф этилди.

Хўш, республикамизда сувдан тежаб фойдаланиш чоралари қўрилатган бир пайтда бунга риюя қилмасликни кеңириш мумкинми? Йўқ, албатта. «Ўзсувназорат» республика сув инспекцияси сувдан фойдаланиш шароитларини тузиш ишларини назоратга олган. Аммо белгиланган меъёrlарга амал қилмаслик ҳолатлари ҳам учраётгани афсусланарли. Инспекциядан маълум қилишларича, камчиликларга йўл қўйган шахсларга нисбатан жорий қилинган ўтган даврда «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонуниға асосан белгиланган тартибда жарималар солинган.

Қиссадан ҳисса шуки, тежамкорлик ҳаёт фаровонлиги бардавомлигининг асосидир. Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда «сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, минтақавий ва глобал даражада гидрологик балансини сақлаш, сув ресурсларини асраш ва тежаш, сувдан фойдаланиш ҳажмини камайтиришни таъминловчи деҳқончилик тизимини такомиллаштириш, сув ҳўжалиги инфратузилмасини модернизация қилиш, сувни тежайдиган замонавий технологияларни жорий этиш — булар ҳаётнинг ўзи олдимизга қўётган гўят муҳим масалалар бўлиб, биздан алоҳида эътибор ва ўзаро манфаатли муҳокамани талаб қилади».

Умуман, замона заили шуни такозо этмоқдаки, барча соҳаларда био, нано ва инновациянинг энг илор технологияларидан унумли фойдаланиш тежамкорликка эришишнинг бирдан-бир йили бўлиб қолмоқда. Айнан жорий йил 16 сентябрь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув ҳўжалиги масалалари қўмитаси томонидан Ўзбекистон Фанлар академиясининг Полимерлар кимёси ва физикаси институтида ўтказилган илмий-амалий конференция ҳам аграр соҳага биотехнологияларни татбиқ этиш истиқболларига бағишланди.

— Дунёда рўй бераётган экологик ўзгаришлар — ерлар мелиоратив ҳолатининг ёмонлашуви, шўрланишнинг кўчайиб бориши, эрозия ҳамда тупроқ дегредациясининг ортishi биотехнологиялардан фойдаланишни янада кенгайтиришни такозо этмоқда, — дейди Ўзбекистон Фанлар академияси Микробиология институти директорининг ўринбосари Хуришда Хамидова. — Био, нано ва инновация технологияларини амалиётга жорий этиш табиий ва моддий ресурсларини тежашда муҳим ўрин тутайди. Айниқса, чорва чиқиндиларидан ортиқча сарф-харажатларсиз зарур биоўғит ва биогаз ишлаб чиқариш, тупроқ ўнмудорлиги ва ҳосилдорлиқни оширувчи биостимуляторлар яратиш атроф-муҳитни чиқиндилардан тозалаш билан бирга иқтисодиётга катта фойда ҳам келтиради.

Ўзбекистон Фанлар академияси тизимидagi институтлар, «Ботаника» илмий-ишлаб чиқариш маркази, Р.Шредер номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти, Ўзбекистон сабзавот-полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти сингари илмий муассасаларда биотехнология усулларидан кенг фойдаланилмоқда.

Бундан ташқари, бу усул жамият ҳаётиға ҳам кенг миқёсда кириб бормоқда. Масалан, ўтган йили «Ихтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш» жамғармаси эълон қилган грант лойиҳаларида Ташкент вилоятидаги «Ихлос барака» хусусий корхонаси ўртачирчиқ туманидаги «Олпоқ» маҳалла фуқаролар йиғини билан ҳамкорликда фаол катнашиб, «Чикиндилардан биогаз ва биоўғит олиш» бўйича лойиҳа тақдим этди ва бу лойиҳа номинация йўналиши бўйича танлов ғолиблигига лойиқ топилди.

Ушбу лойиҳанинг биринчи босқичида олинган биогаз ёрдамида Ўрта-чириқ туманининг «Қўлиқ» маҳалласидаги 3 та хонадон иситилди ва овқат пишириш учун фойдаланилди. Экологик тоза чиқинди эса биринчи навбатда гўнг ва бошқа турдаги чиқинди билан ёрдам берган хонадонларга ва қишлоқдаги томорқа эгаларига бепул тарқатилди. Эндиликда маҳалла ҳудудига гўнг ва бошқа чиқиндилар уйилиб ётмайди: қайта ишланиб, ундан биогаз ва биоўғит олинади.

Мамлакатимизда биотехнологияларни ишлаб чиқаришға кенг татбиқ этишда Президентимизнинг 2008 йил 15 июлда қабул қилинган «Инновация лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришға татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори муҳим омили бўлаётди.

Бугунги кунда тежамкорликка муҳтож соҳалардан яна бири ўрмончиликдир.

1 ГЕКТАР ЎРМОННИНГ АҲАМИЯТИ

Маълумки, ер юзидagi яшил олам — ўрмонлар инсон ҳаёти учун ўта муҳим ноз-неъмат ва соф ҳаво манбаидир. Мутахассисларнинг айтишларича, 1 гектар ўрмон 600 килограмм

кислород чиқаради, шунинг баробарида 900 килограмм карбонат ангидрид ютади. Ёзда ҳаво ҳароратини 3-4 даражагача пасайтиради. Газ, чанг ва шовқинни камайтириб, ҳаёт учун қулай муҳит яратди.

БМТ манбаларида қайд қилинишича, жамият ривожлангани сари ҳаётнинг муҳим омили бўлган ўрмонларга инсон таъсири тобора кўчайиб бормоқда. Маълумот учун айтиш жоизки, бундан 10 минг йиллар муқаддам сайёрамизнинг 60 фоизи ўрмонлардан иборат бўлган бўлса, бугунги кунда ер юзининг 3,6 миллиард гектари, яъни қуруқликнинг атиги 24-27 фоизиниғина ўрмонлар ташкил қилади. Яна бир статистика далолат беришича, 1950 йили ер юзидagi тропик ўрмонлар 15 фоизга тенг бўлган. 2000 йилға келиб эса уларнинг майдони 300 миллион гектарға камайган ва атиги 7 фоизнинг нари-берисиди қолган. Бизни сергақлантирадиган нарса шуки, йилға 13 миллион гектар ўрмон ер юзидан йўқолиб бормоқда. Бунга асосий сабаб антропоген таъсир ва табиий омиллардир. Яъни ҳар йили кўпгина ўрмон ҳудудларида ёнғин чиқиб, қулға айланаётган бўлса, яна кўпгина ўрмон ҳудудлари эса инсон томонидан йўқ қилинмоқда: қурилиш, фармацевтика, парфюмерия ва косметология саноати йўлида сон-саноксиз дарахтлар «қур-

Юртимиз ҳудудининг қарийб 20 фоизини ташкил этувчи яшил олам нафақат экологик, балки иқтисодий тараққиётимизнинг ҳам муҳим омилдир. Ўзига хослиги билан ажралиб турувчи минтақамиз табиатида ҳар бир дов-дахт ва гиёҳнинг ўз ўрни бор: тоғларда арчазорлар, саҳроларда саксовулзорлар, дарё бўйларида тўқайзорлар тупроқ таркибини яхшилаш ва сақлаш, сувни асраш, чорва озۇқа базасини мустаҳкамлашға хизмат қилмоқда.

Мамлакатимизда 1993 йилдан бошлаб доривор ва озукабоп ўсимлик хомашёсини тайёрлашнинг йиллик миқдори белгиланди. Ёввойи ҳолда ўсадиган доривор ва озукабоп ўсимликларни тўплаш, сақлаш, ҳисобини юрийтиш, тайёрлаш ва сотиш фаолияти назоратга олинди. Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 28 октябрда қабул қилинган «Биология ресурсларидан оқилона фойдаланиш, уларни ўрмон Республикасига олиб кириш ва унинг ташқарисига олиб чиқиш устидан назоратни кўчайтириш тўғрисида»ги қарори бу соҳадаги ишларни янада такомиллаштиришда муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Ўсимлик оламини, жумладан, доривор гиёҳларға етказиладиган салбий таъсирини камайтириш, табиатнинг ноёб бойлиқларини асл ҳолиға асраш мақсадида шифобахш гиёҳлар-

оқилона фойдаланиш масаласига ҳукумат даражасида эътибор қаратилаётганининг боиси ҳам шунда.

Мамлакатимизда қоғоз сарфини камайтириш хозир асосан ўз омили, яъни қоғоз сарфи устидан қатъий назорат ўрнатиш, ҳужжатлар айланмасида ахборот-коммуникация технологияларидан, масалан, электрон ҳужжат айланмасидан фойдаланиш; ижроия аппарати фаолиятини мақбуллаштириб, самарадорлигини ошириш орқали ҳал этилмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 22 июлдаги «Республикада қоғозни тежаш ва ундан оқилона фойдаланишға доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 155-сонли қарори қоғоздан тежамли фойдаланишда юридик шахслар зиммасига қўшимча масъулият юклаб, ҳатто, айрим ҳолатлар бўйича жавобгарлиқни ҳам белгилаб қўйди. Унга қўра, 2010-2012 йилларда қоғоз сарфини камида 30 фоизға (йилға 10 фоиздан) камайтириш, бунинг учун бошқарув органларининг маъмурий бошқарув ходимларини компьютер техникаси билан таъминлашни яқунлаш ва ички идоравий ёзишмаларни мақбул тарзда қисқартириш, ички ва корпоратив компьютер тармоқлари ҳамда бошқа ахборот тизимларини жорий этган ҳолда электрон ҳужжат айланиши са-

мамлакатимизда қоғозни тежаш ва ундан оқилона фойдаланишни таъминлашға доир қўшимча чора-тадбирлар комплексини амалға ошириш бўйича Республика комиссияси тузилган. Мазкур комиссиянинг ишчи гуруҳлари томонидан жорий йилнинг биринчи чорагида 5 та ташкилотда тасдиқланган жадваллар асосида қоғоздан оқилона фойдаланиш ҳолати, компьютер техникасидан фойдаланиш самарадорлиги ҳамда наشريётлар ва ОАВда газета ҳамда офсет қоғозини тежаш ва ундан оқилона фойдаланиш бўйича ташкилий чора-тадбирларни амалға ошириш юзасидан ўрганишлар ўтказилди. Ўрганиш натижалари шуни кўрсатдики, ташкилотлар томонидан 2010 йилда 2009 йилға нисбатан қоғоз махсулотларининг сарфи 4,4 фоизға камайган, қоғоз чиқиндиларини макулатураға топшириш ҳажми эса 6,4 баравар ошган.

Шунингдек, компьютер техникасидан фойдаланиш самарадорлиги, электрон ҳужжат айланиш тизимини жорий этишни такомиллаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантириш ҳолати таҳлили натижаларига қўра ўрганилган ташкилотларда зарурий инфра-тузилма яратилганлиги маълум бўлди. Жумладан, ходимларнинг компьютер билан таъминланганлик даражасида

Жараён

Янгилаш ва ўзгаришлар

нотариат соҳасида амалға

оширилган ислохотларда

Ўз аксини топпоқда

ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ 2010 йил 5 майдаги «Ўзбекистон Республикасида нотариот институтини янада такомиллаштириш чоралари тўғрисида»ги Фармони ҳозирги кун талабини инобатга олган ҳолда нотариот соҳасида амалға оширилиши лозим бўлган ислохотларнинг изчил давоми бўлди. Ушбу Фармонда айтилганидек, тузилладиган битимларнинг қонунийлигини таъминлашға ва низоли ҳолатлар келиб чиқишидан тарафларни ҳимоя қилишға қаратилган нотариот институти фуқаролар ва юридик шахслар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида алоҳида ўрин эгаллайди.

ШУ БИЛАН БИРГА, Фармонда давлат нотариуслари билан бир қаторда хусусий нотариусларнинг ҳам фаолият кўрсатишини назарда тутувчи амалдаги нотариот тизими уларға юклатилган вазифалар тўлақонли амалға оширилишиға имкон бериётганлиги айтиб ўтилганди.

Шу муносабат билан 2010 йилнинг 15 майдан эътиборан хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар тизими тугатилди. Ушбу ислохотларнинг замирида фуқаролар ва юридик шахсларнинг қонун билан ўрнатилган манфаатлари биринчи ўринға қўйилганлиги яна бир бор ўз аксини топди.

Президентимизнинг бу соҳаға оид Фармони Вазирлар Маҳкамаси ва Адлия вазирлиғига бир қатор вазифалар юкледи. Бунинг натижасида бугунги кунға қадар бир қанча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди, шу аснода нотариот соҳасидаги қонунчилик базаси изчиллик билан такомиллаштирилди. Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 2 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 5 майдаги «Ўзбекистон Республикасида нотариот институтини янада такомиллаштириш чоралари тўғрисида»ги Фармонини амалға ошириш чора-тадбирлари ҳақида»ги қарори қабул қилинди. Бундан ташқари, қонунчилик тизимини тартибға солиш мақсадида 2010 йил 14 сентябрда Ўзбекистон Республикасининг «Адлия органлари ва муассасалари фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинган бўлиб, унга қўра Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс, Оила кодекси, Солиқ кодекси, Фуқаролик-процессуал кодекси, Ўзбекистон Республикасининг Консуллик уставига, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги, «Нотариот тўғрисида»ги қонунларига тегишлича ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Шу билан бир қаторда, Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 28 декабрдаги «Нотариус томонидан ўз касб мажбуриятлари бузилиши оқибатида етказилган зарарни қоплаш тартиби тўғрисидаги низомини тасдиқлаш ҳақида»ги қарори, шунингдек, Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган «Нотариус стажёрининг фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисида»ги низоми, «Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Ташкент шаҳар Адлия бошқармалари ҳузуридаги маляка комиссиялари тўғрисида»ги низоми, «Нотариус лавозимига тайинлаш бўйича танлов ўтказиш тартиби тўғрисидаги»ги низоми, «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Олий малака комиссияси тўғрисида»ги низоми, «Давлат нотариал идоралари ва нотариал архивлар фаолиятини молиялаштириш тартиби тўғрисида»ги низоми, Давлат нотариал идораларида нотариал иш юрийтиш қоидалари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар нотариот соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштириш бўйича қилинган муҳим ишларнинг бир бўлаги ҳисобланади.

Бундан ташқари, Адлия вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Молия вазирлигининг 2010 йил 22 декабрдаги 19, 201, 106-сон қарори билан тасдиқланган «Давлат нотариал идоралари ва нотариал архивлар фаолиятини молиялаштириш тартиби тўғрисида»ги низомида ҳам нотариот соҳасидаги янгиликлар ўз аксини топган.

Авазбек МАДАМИНОВ, Адлия вазирлиги масъул ходими

Тежамкорлик

зиқналик, қўрумсоқлик эмас, балки юксак иқтисодий маданият белгисидир

- Инновация лойиҳалари тежамкорликка асосланади
- Иқтисодиётнинг таянч устуни
- Фаровонликни мустаҳкамловчи омил



(Учинчи мақола)

бон қилинмоқда...

Экспертларнинг таъкидлашларича, ўрмонлар қесилиши билан боғлиқ муаммо XXI асрда пайдо бўлгани йўқ. 1750 йилдан дунё саноати кенг тусда ривожланиш йўлиға ўтганини ҳисобга олсак, демак, бу муаммонинг илдизлиги ҳам ўша замонларға бориб тақалади. Қаранг, деярли уч аср ўтиб бормоқдаки, бу муаммо муаммолигига давом этмоқда. Ачинарлиси, унинг миқёси кенгайган бўлса кенгайгани...

Шу боис ҳам дунё ҳамжамияти салкам глобал тус ола бошлаган ушбу муаммонинг олдини олиш мақсадида жорий йил 5 июнь — Жаҳон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш кўни муносабати билан ўрмонларни асрашға эътиборни янада кўчайтириш ташаббусини илгари сурди. Бундай ташаббуслар авваллари ҳам дунё ахли эътиборига ҳавола этилган: 1990 йили БМТ вазиятининг олдини олиш учун Токио шаҳрида йирик халқаро конференция ўтказганди. Унда иштирок этган соҳа мутахассислари ўрмонзорларға муносабат ижобий томонға ўзгармаса, яна 80 йилдан сўнг ер юзидagi ўрмонлар бутунлай йўқ бўлиб кетиши мумкинлигини ўқитишганди. Бу даъватға етарли даражада эътибор бўлмаганлиги сабабли 2009 йили Барселона шаҳрида Бутунжаҳон табиатини муҳофаза қилиш ташкилотининг конгресси ташкил этилди. Яхшики, халқаро анжуманлар секин-аста бўлса-да, ўз натижасини бера бошлади. Ушанди Парагвай ва Индонезия каби мамлакатлар 2020 йилға бориб яшил ҳудудларға зарар етказилишини бутунлай тўхтатишға ваъда беришди.

Хўш, бизда ахвол қандай? Аввало шуни айтиш жоизки, мустақиллик йилларида Президентимиз томонидан табиатни инсон омилининг салбий таъсирини камайтириш ва экологик мувозанатни таъминлашға қаратилаётган улкан эътибор ўз самарасини бера бошлади. Юртимизда атроф-муҳитни муҳофазалаш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланишнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари яратилган. Конституциямизда фуқаролар атроф-муҳитға эътиёткорона муносабатда бўлишға мажбурилик, улар давлат томонидан муҳофаза қилиниши мустаҳкамланган. Бундан ташқари, «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида», «Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги, «Ўрмон тўғрисида»ги қонунлар қабул қилинганки, бу ҳам юртимизда табиатдан фойдаланишнинг ҳуқуқий-иқтисодий механизмларини белгилла беради.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида 15 депутатлик ўрниға эса Ўзбекистон Экологик ҳаракати эса бугунги кунда салмоқли ишларни амалға оширмоқда. Жумладан, экологик қонунчиликнинг янада такомиллаштириш, ундан тежамкорона фойдаланиш, ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини тўла таъминлашға фаол ҳисса қўймоқда.

ҚОҒОЗ НОН БЎЛОЛМАЙДИ, ЛЕКИН НОНДЕК АЗИЗ

Дарҳақиқат, бугунги кунда ҳаётимизни қоғозсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Асрлар силсиласи шу қоғозлар билан «тирик» — расмий хат-ҳужжатлар-у, ҳатто кўнгил биткилари қоғозлар орқали ифодасини топади. Маълумотларда қайд этилишича, 70-80 йиллик 1 та дарахтдан 60 кило қоғоз олиш мумкин экан. Ёки 25-30 ёшдаги 1 та дарахтдан А4 ҳажмдаги 15 мингта қоғоз олиниши исботланган. Бир йилда бир кишининг қоғозға бўлган ўртача эҳтиёжини қондириш учун 3 та дарахтдан воз кечишға тўри келади.

Демак, қоғоз ҳам тежамкорлиқни талаб қилади. Қоғозни ҳудда-беҳудда ишлатиб, исроф қилиш миллион сўмлаб бюджет маблағларини бесамар қектазишға олиб келади. Кейинги пайтларда қоғоздан тежамли ва

марасини ошириш кўзда тутилган.

Ҳозирги даврда наشريётларни модернизациялаш, мактаб дарсликларини чоп этиш ва улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, қоғоз ишлаб чиқарувчи маҳаллий корхоналарда тежамкор технологиялардан фойдаланиш, хомашё базасини янада ривожлантириш, қоғоз чиқиндиларини йиғиш ва қайта ишланиш ривожлантириш йўлиға қўйилаётди.

Яна бир таъкид шуки, давлатимиз раҳбарининг 2005 йил 8 июлдаги «Ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантиришға оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори барча соҳаларға ахборот алмашувининг электрон шакллари жорий этишда муҳим омили бўлмоқда. Бу аввало, вақт, қоғоз ва маблағ тежаш имконини бермоқда.

Мамлакатимизда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишнинг ҳуқуқий асослари яратилган бўлиб, электрон рақамли имзо, электрон ҳужжат айланиши, электрон тўловлар тўғрисидаги қонунлар соҳани ривожлантиришда муҳим роль ўйнамоқда.

Президентимизнинг жорий йил 24 августда қабул қилинган «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик муҳитини шакллантиришға доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони бу борадаги ишларни янада жонлантиришға қўшимча асос яратди. Ушбу Фармонда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Молия вазирлиги Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги билан биргаликда барча кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари 2014 йилнинг октиригача солиқ ва молиявий ҳисоб-китоблари топширишининг электрон тизимига босқичма-босқич ўтказилиши алоҳида қайд этилган. Электрон тизимға ўтишининг афзалликлари ва муваффақиятларини эса ҳаётнинг ўзи далиллар билан исботлаб турибди.

Бугунги кунда кўпгина вилоятлар ахборот алмашишининг электрон шаклиға ўтган. Вилоят, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари ўртасида «UzNet» тармоғи орқали ўзаро алоқа йўлиға қўйилган. Тадбиркорлик субъектларининг ҳисоботларини солиқ идораларига электрон кўринишда юбориш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида «БЭМ — бухгалтерға электрон мадад» дастурий махсулоти амалиётда кенг қўлланилмоқда. Бу эса қоғоз ва телефон сўзлашувлари харажатларини сезиларли даражада иқтисод қилиш имконини бермоқда.

Биргина Жиззах вилоятининг иқтисодий бош бошқармасида қоғоз сарфи 2010 йилнинг биринчи ярмиға қараганда 260 кило, солиқлини сақлаш бошқармасида 237 кило, ҳалқ таълими ва статистика бошқармаларида 140-150 килограм қамайган.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки,

Алимқул СУЛТОНОВ, журналист

Ёруғ хиёбон

Данте — юрист

Дантенинг болалиги

Акмал САИДОВ,
юридик фанлар
доктори, профессор

(Боши ўтган сонларда)
Ҳақиқатан Данте ҳаётидаги туб бурилиш нуқталари — унинг Беатриче билан учрашуви ва махбубасининг барвақт вафот этишидир. Агар **Биче Портinari** бўлмаганида бошқа Данте, эҳтимол, "янги ёқимли услуб"нинг яна бир шоир — трубадури, балким даҳо, аммо "Янги ҳаёт" ва "Илоҳий комедия" муаллифи бўлмаган даҳо бўлиши мумкин эди. Яқин кишининг вафот этиши ҳамма вақт ҳаётда энг ларзали кунлардир, нозик ҳисли шоир учун эса — кўкларга кўтарган махбубасининг ўлими мангулик сир-сиротадан воқиф бўлиш, ҳаёт ва ўлим фалсафасини идрок этиш, ҳаётни ўлим орқали англашдир. Даҳоликнинг аёл билан фожиона муносабатлар орқали шаклланишига кўпгина мисоллар бор: **Скорода, С.Киркегор, Ф.Кафка**. Данте эса муҳаббат шoirининг мутафаккир шоирга, руҳшунс шоирга, башоратчи шоирга айланганининг ягона ҳолидир.

Данте "**Янги ҳаёт**"даги муҳаббат лирикисидан воз кечар экан, "**Базм**"да Беатриче вафотидан сўнг Арши аълога яқинлашишга интилиб, танҳоликда фалсафий машғулотларга берилгани, оддий муҳаббатдан илоҳий муҳаббатга, Ердаги Беатричедан Арши аълодаги Беатричеге, Дилбар Махбубадан Фалсафа Маликасига юксалганлигини ёзган.

Шундай бўлишига қарамадан қалбини Жаннат ёритган шоир Беатричеге бўлган буюк муҳаббатга содиқ қолган: "**Собиқ севгим руҳи жозибани ҳис этди**", "**Менинг қонимни хотиралар ҳаяжонни кўпиртиради, ўтмишдаги аланга изларини танияпман**". Унинг бошқа махбубалари ҳам бўлган, уларнинг кўпчилиги севги изор қилинган шехрлар билан, бироқ ҳаётдаги ва Жаннатдаги йўл бошловчиси "Кўзгил либосдаги кучча" бўлган.

"Янги ҳаёт" тўплами Данте номини машҳур қилган асардир. Бу асар инсон қалбининг улғу муҳаббати ва чексиз қайғуси тўғрисида нияҳатда жўшқин ва самимийлик, эҳтирос ва илҳом билан битилган китоб сифатида жаҳон адабиётининг ҳазинасидан муносиб ўрин олган.

1277 йилда Алигъерининг отаси ўғлининг келажаги тўғрисида гап кўриш қилиш

пайти келди деб ҳисоблаган ва унинг никоҳини ҳал қилишга киришган. **Уша вақтларда фарзандларни жуда ёшлик пайтидаёқ никоҳини ўтказиш ҳамда никоҳ шартномасига ўхшаш ҳужжатни расмийлаштириш одатий ҳол ҳисобланган.**

Дантега унаштирилган қиз — **Жемма ди Монетто Донати** флоренциялик жуда нуфузли аристократлар оиласидан бўлган. Узоқ вақт давомида икки ёшнинг тўйи Беатриче вафотидан кейинроқ, 1295 йилда бўлган деб ҳисоблаб келинган. Аммо бу никоҳ мазкур санадан ўн йил муқаддам — 1285 йилда бўлган деб ҳисоблаш учун ҳамма асослар бор. Бу оилада уч ўғил — **Пьетро, Якопо ва Иоанн** ҳамда қизи **Антонио** дунёга келган. Шунга айтиш керакки, **Жемма номи ёки унга бағишланган сатрларни Данте асарларида учратмайсиз.** Дантенинг Жемма билан муносабатлари асрлар пардаси билан тўсилган. Афтдан буюк инсонлар шахсий ҳаёти тафсилотларига муносабат шундай бўлгани мазкур, чунки бу икки-чиқирларга бурнини сўқийшга интиладиганлар истаганча топилади.

Ўн саккиз ёшида Дантега ўз оиласига бош бўлиш, икки опа-сингилси ва **укаси Франческо**ни боқилиши зиммасига олинишига тўғри келган. Унинг опа-сингилларидан бирининг исми бизгача сақланиб қолган. Уни **Тана (Газтана)** деб аташган. Опа-сингиллардан иккинчиси эса Флоренция коммунасининг герольди Лео-не ди Пожого турмушга чиққанлиги маълум. Бу оилада туғилган ўғил, яъни Дантенинг жиғини Андреа ди Пожо Бокаччо билан таниш бўлган ва унга ўз оиласи тўғрисида кўп нарсаларни ҳикоя қилиб берганлиги таҳмин қилинади.

Дантенинг маълумоти тўғрисида бирор ишонarli ҳужжат сақланиб қолмаган. Лекин шоирнинг илк асарларидан бири — "Янги ҳаёт"дан у **Вергийли, Лукан, Гораций, Овидий** каби антик иқдоркорлар ҳамда диний адабиётлар билан таниш бўлганлиги тўғрисида хулоса чиқариш мумкин.

Данте Болоньядаги ҳуқуқшунослик мактабида **хуқуқий таълим олган.** Мактаб ҳуқуқшунослик факультетининг мажбурий ўқув дастурига Юстиниан, Дигест кодексларини, Рим декретларини, шунингдек Абу Али ибн Сино ва Галеннинг тиббиётга олиқ асарларини ўрганиш кирган.

Таълимини охирига етказмаган ҳуқуқшунос шеърларида университетда ўтилган фанларга тааллуқли мисралар учрайди. Дантенинг империя концепцияси у томонидан Рим ҳуқуқини ўрганиши натижасида шаклланган дейишча, фикримизга, тўла асослар бор.

Номаълум сабабларга қўра Данте Болонья университетининг юридик факультетини тугалламаган ва юриспруденция бўйича илмий даража олмаган. Эҳтимол, отасининг ўлиmidан сўнг у оилада тўнчан фарзанд бўлгани сабабли ҳужалиқни бошқариш зарурати Дантени Болоньядан уйга қайтиб келишига мажбур қилган.

Данте Болоньяда машҳур ҳуқуқшунос ва шоир **Чино да Пистойя, "Янги ёқимли услуб" (dolce stil nuovo — "долгий стиль нуово")** асосчиси **Гвидо Гвиницелли** билан танишган. Мазкур усул Флоренцияда кенг оммалашган. Бу ерда **Гвидо Кавальканти** бошчилигида алоҳида шеъринг мактаби таркиб топган. Шу сабабли Дантенинг ижодида мазкур "Янги ёқимли услуб" йўналишининг энг ёрқин намунадалари бўлган **Лапо Жанни, Жанни Альфани** ҳамда **Гвидо Кавальканти**нинг таъсири сезилиб туриши табиийдир. Данте бу уч сўз — "янги ёқимли услуб"ни тасаввурда Бонажунта Орбиччани билан "Азроф"да учрашуви пайти унинг тили орқали ифода этган.

"Янги ёқимли услуб"нинг асосий хусусиятлари - шеърнинг нияҳатда уйғунлиги, ҳис-эҳтирослар энг нозик қирраларининг акс этиши, файласуфлар ва мутафаккирлар ижодида мурожатдан иборат бўлган. Уша даврларгача баъдий асар ёки илмий иш фақат лотин тилида битилиши мумкин, халқ тили — "volgare" (вульгар) — бунга яроқсиз деб ҳисоблаб келинган. Бундан ташқари Алпенин ярим оролидаги лаҳжалар бир-биридан шу қадар фарқ қилар эдики (улар ҳозиргача шундай фарқ қилади), кўп ҳолларда Италия жанубидагилар шимолдагилар нима дейётганини тушунмас эдилар. "Янги мактаб" халқнинг жарандор муносиқ тили сонетлар ва илмий ишларнинг тили бўлиши мумкинчилигини исботлаган. Бунинг энг ёрқин намунаси сифатида Дантенинг лотин тилида битилган "Халқ тили тўғрисида"ги ҳамда италияна халқ тилида ёзилган биринчи фалсафий насар намунаси — "Базм" асарларини келтириш мумкин.

(Давоми бор)

Адлия фаолияти

Сансалорлик

жавобгарликка олиб келади

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ адлия бошқармаси томонидан тадбиркорлик субъектлари ва хусусий мулк эгаларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида **Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 февралдаги "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастури тўғрисида**ги Қарори ва шу Қарорга асосан тасдиқланган **"Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили"** Давлат дастури, Адлия вазирлигининг 2011 йил 18 февралда тасдиқланган **"Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили"** Давлат дастурини амалга ошириш бўйича ишлаб чиқилган тармоқ дастурининг ижроси юзасидан муйоян вазифалар бажарилмоқда.

ХУСУСАН, вилоят ҳокимлиги, иқтисодиёт бошқармаси ва Савдо саноат палатаси вилоят бошқармаси билан ҳамкорликда вилоят ҳудудидаги туман, шаҳарларда давлат рўйхатидан ўтиб, фаолият юритмаётган тадбиркорлик субъектларининг фаолият кўрсатмаслик сабаблари ўрганиб чиқилди ва ўтказилган сўхбатлар, ташкилий-амалий ишлар натижасида жами 183 та тадбиркорлик субъектининг фаолияти тикланди.

Бошқармада ҳар ойнинг биринчи ва охириги жума кунлари "Тадбиркорлик кўнлари" деб эълон қилиниб, "Ишонч телефони" орқали мурожаатларни бевосита бошқарма бошлиғи томонидан қабул қилиш, уларнинг муаммоли ма-

салаларини жойида қонуний ҳал этиш тартиби жорий этилди. Жорий йилнинг шу кунига қадар "Ишонч телефони"га келиб тушган жами 49 та мурожаатнинг 23 таси бўйича тадбиркорларнинг ҳуқуқи тикланиб, 26 тасига ҳуқуқий тушунтириш берилди.

Жумладан, Покент туманидаги "Нуризам сервис" хусусий корхонаси иш юритувчиси Ф.Баратовнинг омборхона ва устакхона ўрнини тадбиркорлик фаолияти учун ажратиб бериш юзасидан туман ҳокимлигига берган аризасига жавоб ололмаётганидан норози бўлиб бошқарма "Ишонч телефони"га қилган мурожаати ўрганиб чиқилди.

Аниқланишича, корхона раҳбарининг ёзган аризаси ҳокимликда 2011 йил

22 январда рўйхатга олинган бўлиб, Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 20 январдаги 16-сонли ва 2009 йил 18 февралдаги 45-сонли қарорлари мавжудлиги эътиборга олинмаган.

Бошқарма томонидан туман ҳокимлигига киритилган тақдимномага асосан, айбдор шахсларга нисбатан тегишли чора қўлланилиб, ер ажратилиш тўғрисидаги ҳужжатлар вилоят комиссияга юборилди.

Вилоят адлия бошқармасининг "Тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш" бўлими томонидан 2011 йилнинг биринчи чорагида иш режасига асосан тадбиркорликка оид қонун ҳужжатлари ижроси юзасидан ўтказилган ўрганишларда жами 2857 та қонунбузилиш ҳолатлари аниқланиб, тегишли чора-тадбирлар қўлланилди.

Адлия бошқармаси томонидан тадбиркорлик субъектларининг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ва қонун ҳужжатларининг ижроси таъминлашини доимий назоратга олиш юзасидан мунтазам равишда олиб борилаётган фаолиятимиз ўз самарасини бермоқда. Буни тадбиркорлик субъектларининг адлия органларига ишончи тобора ортиб бораётганлигида ҳам кўриш мумкин. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида давлатимиз томонидан қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг ижросини ўз вақтида тўлиқ таъминлаш доимо адлия органларининг назоратда турган юксак масъулиятдир.

Иброҳим ҲОТАМОВ,
Тошкент вилояти адлия
бошқармаси бўлим бошлиғи

Турмуш маданияти

Никоҳ масъулияти

Хаётда никоҳ муқаддас, у ҳар бир кишининг келажagini

белгилайдиган муҳим ва масъулиятли маросим

БИР доғишманд айтанидек, никоҳдан ўтиш мажбурий эмас, лекин ундан ўтдиғини, унинг қонун-қондаларига риоя этишига мажбуран. Никоҳдан ўтмишини жамиятда ҳам, ҳаётда ҳам ўз масъулияти ва мажбурияти бор, албатта. Жамиятда муносиб оила бўлиб яшаш учун никоҳнинг қонун-қондаларига сўзсиз бўйсунуш керак.

БУГУН никоҳдан ўтаётган ёшларимиз қонунда белгиланган тартиб ва қоида асосида никоҳдан олдин белгиланган шартларни амалга оширадilar. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 25 августдаги 365-сонли қарори

билан тасдиқланган "Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўриқдан ўтказиш тўғрисида"ги Низомга асосан бугун турмуш кўраётган ёшлар олдида тиббий кўриқдан ўтиш мажбурий белгиланган.

Никоҳдан ўтиш шунчаки эрмак ёки қўнғилхушлик учун қилинадиган маросим эмас, балки жиддий, мураккаб, ўйлаб ва мулоҳаза қилиб амалга ошириладиган тадбирдир. Шу туйғайли биз тумандаги 56 та маҳалла, 4 та коллеж, 100 дан ортиқ ўрта таълим муассасаларида бўлиб ёш йигит-қизлар ўртасида никоҳнинг қонун-қоидалари, унинг шартлари ва нималарга риоя этиш кераклигини тушунтириш мақсадида отахон ва онахонлар иш-

тирокида давра сўхбатлари ўтказмоқдамиз.

Бугун шуни ошқора айтиш керакки, айрим ёшларимиз никоҳ масаласига енгил-елпи қараб, турмушнинг оғир-енглигига чидай олмай дарҳол ажрашиш пайига тушмоқдалар. Ахир, халқимизда "Биринчи бахтим — Олтин тахтим, иккинчи бахтим — сувга окдим" деган гап бор. Шунинг учун ҳаётнинг оғир ва енгилгига доимо тайёр бўлиш, турмуш қийинчиликлари сабот ва матонат билан енгилш лозим.

Лайло САФАРОВА,
Нарпай тумани ФХД
бўлими мудираси

жаннатмонанд диёримиз ўқитувчи ва мураббийларини 1 октябрь куни республикамиз бўйлаб кенг нишонланадиган касб байрами билан яна бир бор қутлайди!

Байрам тантаналарининг кўтаринки шўқуҳи устозлар қалбини доимо қувончларга тўлқирсин.

Барчангизга сиҳат-саоматик, оилавий тинчлик, эзгу ва хайрли ишларингизга омадлар тилайди.

ОАТ "Туронбанк"нинг Тошкент шаҳрида Чилонзор ҳамда Ҳамза филиаллари ишга туширилди. Шу муносабат билан тадбиркорларимизни ва юртдошларимизни ҳамкорликка тақдиф қиламиз. Ушбу филиалларда ҳар бир мижоз юқори сифатли банк хизматларидан фойдаланиши мумкин.

Мазкур филиаллар зарур ускуналар ва энг янги банк технологиялари билан жиҳозланган бўлиб, мижозларга намунали хизмат кўрсатиш учун қулай шароитлар яратилган.

Банк Ўзбекистон Республикасининг барча вилоятлари ва минтақаларида 17 та филиал ва 150 дан ортиқ бўлинмаларга эга.

"Ahhor-Reyting" RA "Туронбанк"нинг рейтингини "UzB++" даражасида, "Ижобий" прогнози билан тасдиқлади.

ОАТ "Туронбанк" 2011 йил 1 сентябрдан "Олтин карта" деб номланган промо-акция ўтказаятганлигини маълум қилади.

Промо-акция 2011 йил 1 сентябрдан 30 ноябрга қадар ўтказилади. Шу давр мобайнида "Туронбанк"нинг "Visa Gold" картаси орқали энг юқори айланмани амалга оширган мижоз голиб ҳисобланади ва "Супер совға" билан тақдирланади.

"Туронбанк" "Visa Gold" картасини самарали ишлатиб "Супер совға" эгасига айланган. Қўшимча маълумотлар учун 700-55-55 телефон рақамига мурожаат қилишингиз мумкин.

"Туронбанк" Сизнинг яқин ҳамкорингиз!

Хизматлар лицензияланган.



Байрамнингиз муборақ бўлсин!

ИНСОН ва ҚОНУН

МУАСССА:
ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
1996 йилнинг январидан
нашр этилади

2007 йил 3 январда
Ўзбекистон
Матбуот ва Аxbорот
саноатлари
0001-рақам билан
рўйхатга олинган

1234 5678-9012
777030 776008

Бош
муҳаррир:
Кўчқор
НОРҚОБИЛ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Мустафаев Бўриш Мустафаевич
Ражабова Мавжуда Абдуллаева
Очилов Аляжон Мухлисович

Раҳмонов Абдуқамол Шодиевич
Султонов Алимқул Тожбекович
Тўраев Тўра Эргашевич
Сандов Шокир Камолович

Навбатчи:
Ербек
ИСКАНДАРОВ
Саҳифаловчи-
дизайнер:
Тўлқин
РАУПОВ

Индекс: 646882

"ИНСОН ВА ҚОНУН" газетаси тахририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичида, 4 босма табоқ ҳажмида, офсет усулида "Ўзбекистон" нашриёт матбаа ижодий уйида чоп этилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси 30-уй.
Буюртма j-2830. Тиражи — 13460.
Босишга топириш вақти — 21.00 Топширилди — 19.00

МАНЗИЛИМИЗ:
100047, Тошкент ш.
Сайилгоҳ кўчаси-5.
Тел: 233-95-31,
Факс: 233-84-50
e-mail: info@press-ig.uz
Баёни қилинган нархда
1 2 3 4 5